

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 30 октябрь, № 222 (8845) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

«Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчиларининг

МУРОЖААТИ

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари,

Сизнинг **“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчиларига йўллаган табригингизни биз, барчамиз конференциямиз учун ўзига хос дастуриламал сифатида қабул қилдик.

Ўзбекистон заминида таваллуд топиб ўзининг беназир истеъдоди, билим ва тафаккури, эзгу фазилатлари билан ислом оламида шуҳрат қозонган буюк алломаларнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги фаолиятимизга алоҳида эътибор қаратиб, камтарона меҳнатимизга юксак баҳо берганингиздан ғоят мамнунмиз ва бунинг учун **Сизга самимий миннатдорлигимизни** изҳор этамиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз — исломшунос, термизийшунос олим ва тадқиқотчилар ҳақидаги илиқ ва ҳаққоний фикрларингиз бизни янада кўпроқ изланиб, янги-янги тадқиқотлар яратишга, ислом динининг **Сиз таъкидлаб айтган** тинчлик, эзгулик ва инсонпарварлик моҳиятини кенг очиб беришга илҳомлантиради.

Биз Янги Ўзбекистонда **Сизнинг бевосита раҳбарлигингизда** барча жабҳада, хусусан, таълим, фан, маданият ва маърифат, диний муносабатлар йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни **катта эътибор билан кузатамиз** ва **ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз**.

Бу соҳалардаги ўзгаришлар Ўзбекистон халқи ўз олдига олий мақсад қилиб қўйган **Учинчи Ренессанс** пойдеворини барпо этиш йўлида чин дилдан ҳаракат қилаётгани ва бу интилиш улкан амалий жараёнга айланиб бораётганидан далолат беради.

Азал-азалдан буюк алломалар юрти, тинчлик ва дўстлик диёри сифатида **ном қозонган Ўзбекистон замини** бугунги кунда ўзининг тинчликпарвар сиёсати билан халқаро миқёсда тобора юксак обрў-эътибор қозонаётгани бизни беҳад мамнун этади.

Бу, ҳеч шубҳасиз, **Сизнинг давлат раҳбари сифатида** чуқур ўйлаб олиб бораётган **оқилона сиёсатингиз**, жаҳон миқёсида илгари сураётган эзгу ва хайрли **ташаббусларингиз** самарасидир.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида баён этилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланган **“Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”** деган фикрингиз мамлакатда олиб борилаётган тинчликпарварлик сиёсатининг асл маъно-мазмунини ўзида яққол намоён этади.

Сиз илм-фанни ривожлантириш, ўзликни англаш, ёшлар тарбияси, ислом динининг асл моҳиятини идрок этиш каби масалаларни давлат сиёсати даражасига кўтариб, **Биринчи** ва **Иккинчи** Шарқ Уйғониш даврига мансуб кўплаб ёрқин намояндаларнинг жаҳон ва ислом цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш, уларни янги шароитда ҳаётга татбиқ этиш бўйича **кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдасиз**.

Бунга **“Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”**ги қарорингиз ва ана шу тарихий ҳужжат асосида Термиз шаҳрида ўтказилган **“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни”** мавзусидаги халқаро анжуман ҳам ёрқин мисол бўла олади.

Биз **Сизнинг** ана шу каби ташаббусларингизни **тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз** ва Ўзбекистоннинг диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларини халқаро миқёсда тарғиб этишда **фаол ҳамкорлик қилишга тайёрмиз**.

“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусидаги нуфузли халқаро илмий-амалий анжуманда Имом Термизий ва термизий алломаларнинг илмий меросига доир туркум илмий маърузалар тингланди ва анжуман якунида тегишли қарор ҳамда Термиз декларацияси қабул қилинди.

Анжуманни ташкил этишдан кўзланган **мақсадга тўлақонли эришилди**, деб ҳисоблаймиз.

Биз ўтмишда яшаб ўтган буюк мутафаккирларимиз қолдирган буюк ва бебаҳо меросни ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб этиш борасидаги шарафли ва масъулиятли ишга **ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз**.

Зеро, Ўзбекистоннинг маданий мероси бутун инсониятнинг бойлигидир.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари,

Ўзбекистонда илм-фан ва диний соҳани қўллаб-қувватлаш, улуғ алломаларнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш учун зарур шароитлар яратиб берилаётганини эътироф этиб, бунинг учун **Сизга** яна бир бор **чуқур эҳтиромимиз** ва **ташаккуримизни** изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ислом дини моҳиятида мужассам бўлган эзгулик ва инсонпарварлик ғояларининг туб мазмун-моҳиятини очиб берадиган буюк мутафаккирлар асарларини ўрганиш, тарғиб этиш ва келажак авлодга безавол етказишда бундан буён ҳам **Сизнинг энг яқин кўмакчингиз бўлиб қолишга тайёрмиз**.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам саломатлик ва Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлидаги ғоят масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда **улкан муваффақиятлар тилаймиз**.

Юксак эҳтиром билан,

«Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчилари

Термиз шаҳри, 2024 йил 17 октябрь

MSK
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI

НАТИЖАЛАР РАСМАН ТАСДИҚЛАНДИ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 27 октябрь куни мамлакатимизда йирик сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар, туман ҳамда шаҳар Кенгашларига сайловлар миллий қонунчилик ва халқаро талаблар даражасида бўлиб ўтди. Юртимиз тарихида биринчи маротаба аралаш сайлов тизими асосида ўтган парламент сайловлари савияси халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилаётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Ушбу тизимнинг жорий этилиши сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, жамиятдаги демократик жараёнларга янгича суръат бағишладики, бу сайловолди ташвиқоти ва сайловлар давомида ўзининг яққол тасдиғини топди. Айни чоғда сайловларни 65 минг зиёд маҳаллий ҳамда 850 дан ортиқ хорижий ва халқаро кузатувчилар кузатиб боргани, шунингдек, жараёнларни мингдан зиёд маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари кенг ёритгани ҳам ушбу тадбирнинг нечоғли юксак савияда ташкил этилгани ва очиқ-ошкора тарзда ўтказилганини кўрсатиб турибди.

Жорий йилнинг 28 октябрь куни Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловларнинг дастлабки натижалари эълон қилинди.

Кеча ўтказилган Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида эса сайловчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг 74,72 фоизи сайловларда иштирок этгани ҳамда унда қатнашган сиёсий партияларнинг ҳар бири овоз беришда иштирок этганларнинг 7 фоизидан кўп овоз тўплагани боис 2024 йил 27 октябрда бўлган ягона сайлов округи бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови ўтган ва ҳақиқий деб топилди.

Шундан сўнг мажлисда ҳудудий сайлов комиссияларининг сиёсий партияларга берилган овозларни аниқлаш тўғрисидаги баённомаларига асосан ягона сайлов округи бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов натижаларини аниқлаш ва депутатлик мандатларини сиёсий партиялар ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Марказий сайлов комиссияси томонидан ягона сайлов округи бўйича Қонунчилик палатасига сайлов натижалари ва депутатлик ўринларини сиёсий партиялар ўртасида тақсимлаш Сайлов кодексининг 96/1-моддасига асосан амалга оширилди. Бошқача айтганда, сайловда иштирок этган сайловчилар овозларининг етти ва ундан кўпроқ фоизини олган барча сиёсий партияларга берилган овозларнинг сони етмиш бешга бўлинган ҳолда сайлов коэффициенти аниқлаб чиқилди ҳамда сиёсий партиялар тўплаган овозлар сони сайлов коэффициентига бўлинди.

2

Олий Мажлис Сенатида



ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

Олий Мажлис Сенатида “Мўғулистон — Ўзбекистон” парламентлараро гуруҳи раиси С. Эрдэнэбат бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида “Мўғулистон — Ўзбекистон” парламентлараро гуруҳи доирасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги парламентлараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида охирги йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Мўғулистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

Ўз навбатида, С. Эрдэнэбат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳудудий вакиллик органларига сайловлар юқори савияда ташкил этилганини таъкидлаб, ушбу жараёнларнинг барча босқичи шаффоф, очиқ ва холис ўтганини ҳамда халқаро демократик стандартларга мувофиқлигини билдирди. Айни чоғда у парламент сайлови янги таҳрирдаги Конституция асосида мутлақо янги ижтимоий-сиёсий муҳитда ўтказилганини урғулади.

Учрашув якунида икки давлат парламентлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ҳамда “Мўғулистон — Ўзбекистон” парламентлараро гуруҳи доирасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, шунингдек, кенг кўламли ҳамкорликка хизмат қиладиган аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқиш тўғрисида келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

ҲОКИМЛИККА НОМЗОДЛАР МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА ҲУДУДНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Кейинги йилларда ҳудудларни ривожлантириш борасида маҳаллий Кенгашларнинг ролини янада ошириш, вакиллик органлари назоратининг янги шаклларини жорий этиш, ҳокимларнинг маҳаллий Кенгаш олдидаги масъулияти ва ҳисобдорлигини кучайтиришга қаратилган ислоҳотлар тизимли рўёбга чиқарилмоқда.

Янги Қонун

Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари, маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилгани ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий тамойилнинг маҳаллий даражада ижросини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилиб, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан халқ депутатлари Кенгашларининг назорат функцияларини кенгайтириш мақсадида уларга ўндан ортиқ қўшимча ваколатлар берилди.

2

ОЛМАЛИҚНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ





Ташрифдан сўнг



Жонажон Ўзбекистонимиз Марказий Осиёда табиий-географик қулайликка ва беқиёс ер ости бойликларига эга жаннатмонанд диёр. Заминимизда табиий газ, қўнғир ва тош кўмир, олтин, мис, вольфрам, висмут ҳамда очиқ нефть конлари захираси мўл-кўллиги эса юртимиз тараққиётига муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Биргина Тошкент вилоятининг Олмалиқ ҳудуди қадимдан маъданларга бой замин сифатида қадрланганини эрамизнинг IX — XII асрларига тааллуқли кўплаб ноёб топилмалар ва руда қазувчилар фаолиятининг изларидан ҳам пайқаш қийин эмас. Улар Олмалиқда асрлар давомида мис, қўрғошин, рух, олтин, кумуш, кварц ва бошқа қимматбаҳо металлар жадал қазиб олинганидан далолат беради. Бугунги кунда Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ишлов бериладиган деярли барча маъдан ўз вақтида ўша қадимги конлар излари бўйича очилган.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 30 октябрь

НАТИЖАЛАР РАСМАН ТАСДИҚЛАНДИ

1 Ягона сайлов округи бўйича Қонунчилик палатаси сайловида депутатлик ўринлари сиёсий партиялар ўртасида шундай тақсимланди:

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 26 та, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси 14 та, Ўзбекистон Халқ демократик партияси 13 та, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси 12 та, Ўзбекистон Экологик партияси 10 та депутатлик ўрнига эга бўлди.

Мажлисда ушбу тақсимотга асосан Марказий сайлов комиссиясининг баённомаси расмийлаштирилди ва тегишли қарор билан тасдиқланди.

Мазкур қарорда депутатлик мандатлари тақсимланган сиёсий партиялар ва партия рўйхати бўйича сайланган депутатларга хабарномалар юбориш ҳам кўзда тутилган. Шундан кейинги на Марказий сайлов комиссияси уларни Қонунчилик палатаси депутати сифатида рўйхатга олади.

«Халқ сўзи».

МИССИЯ ХУЛОСАЛАРИ ВА ЭЪТИРОФ

Куни кеча Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларни кузатиш бўйича миссияси вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман

Тадбирда миссия раҳбари Дуглас Уэйк ҳамда ЕХҲТ махсус координатори ва қисқа муддатли кузатувчилари етакчиси Азай Гулиев томонидан миссиянинг Ўзбекистондаги сайловлар жараёнини кузатиш бўйича хулосалари тақдим этилди.

Миссия раҳбари 2017 йилдан буён Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолашини алоҳида таъкидлади. Миссия вакиллари республикамизнинг 14 та ҳудудида бўлиб, овоз бериш жараёнларини бевосита кузатди. Сайлов участкаларида номзодлар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар тақдим қилинган. Сайловлар жараёни халқаро стандартларга мос равишда, шаффоф ва очиқлик муҳитида ўтди.

Таъкидланганидек, 2023 йил декабрда сайлов қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар киритилди, янги Сайлов кодекси қабул қилинди. Сайловларга тайёргарлик кўриш арафасида ишга туширилган "E-saylov" ахборот тизими эса сайлов жараёнининг кўплаб тартиб-таомиллари рақамлаштирилишига ҳамда бюрократик тўсиқларни кескин камайтиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, юртимиз тарихида илк бор Тошкент шаҳридаги қатор сайлов участкаларида сайлов куни электрон овоз бериш тажрибасинов тариқасида йўлга қўйилгани ҳам айтиб ўтилди.

— Бу янгиланиш ва ўзгаришлардан келиб чиқиб, сайловларга юқори даражада тайёргарлик кўрилганини эътироф этамиз, — деди ЕХҲТ махсус координатори ва қисқа муддатли кузатувчилари етакчиси Азай Гулиев.

Ўз навбатида, бу галги сайловларда аёллар учун гендер квотаси 30 фоиздан 40 фоизга оширилгани ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг иштироки миссия вакиллари томонидан ижобий баҳоланди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон сайлов қонунчилиги изчил ривожлантирилиб, сайловларга техник жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилгани алоҳида уруғланди.

«Халқ сўзи».

ҲОКИМЛИККА НОМЗОДЛАР МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА ҲУДУДНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

1 Президентимиз томонидан шу йил 17 октябрь куни имзоланган "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун маҳаллий ижро этувчи ва вакиллик ҳокимиятининг бўлиниши принципига оид конституциявий кафолатларни қонунчиликда акс эттиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, янги таҳрирдаги Конституциямизда вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги белгиланган. Шу сабабли мазкур қонун билан вилоят, туман, шаҳар ҳокими бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ҳокимиятини бошқариши ваколати бекор қилиниб, фақат вилоят, туман ва шаҳарнинг ижро этувчи ҳокимиятига бошчилик қилиши белгиланди.

Мазкур норма халқ депутатлари Кенгаши фаоллигини оширади, жамиятнинг вакиллик демократиясига ишончи ва бунинг таъсирида сиёсий фаоллиги, маҳаллий давлат бошқаруви жараёнларидаги иштирокини кенгайтиради. Маҳаллий Кенгашлар фаолияти, аввалambор, маҳаллий аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб қарорлар қабул қилишга йўналтирилса, ҳокимнинг фаолияти эса мазкур қарорларни ижро қилишга қаратилади.

Қонун билан Кенгашлар йиғилишларида ҳоким номзоди кўриб чиқилаётганида номзод маҳаллий Кенгаш депутатларига ҳудудни ривожлантириш дастурини тақдим этиши шартлиги белгиланди. Маҳаллий Кенгашларнинг назорат тадбирларини амалга оширишдаги имкониятлари "Кенгаш сўрови", "Кенгаш текшируви" каби таъсирчан институтларни жорий этиш ҳисобига кенгайди.

Бундан ташқари, маҳаллий Кенгаш ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан имзоланадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимида (e-qaror.gov.uz) рўйхатдан ўтказилиши, унда рўйхатдан ўтказилмаган ҳужжатлар ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келмаслиги мустаҳкамланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонундаги ҳоким ва маҳаллий Кенгаш раиси вазифаларининг ажратилиши билан боғлиқ қоидалар вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2024 йилги сайловлар якунлари бўйича, туман ва шаҳарларда эса 2026 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Мазкур қонундаги нормалар ҳудудларда ҳокимиятлар бўлиниши принципини тўлақонли рўёбга чиқаришга, ижро органлари устидан маҳаллий Кенгашлар ва улар депутатларининг вакиллик назоратини кучайтиришга, ҳудудий бошқарувни "аҳоли манфаатларига хизмат қилиш" тамойили асосида йўлга қўйишга асос бўлади.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.





ОЛМАЛИҚНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ

1

Эътиборли воқелик

Айни пайтда Олмаликда "Ёшлик-I" конини ўзлаштириш лойиҳаси амалга ошириляпти. Ушбу конни очишга бўлган амалий саъй-ҳаракатлар 2017 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган эди. Ўша йиллари Олмалиқ заминидаги мис захиралари камида 16 млн. тоннага тенг деб тахмин қилинган бўлса, бугунги ҳисоб-китоблар бу захиралар миқдори 45 млн. тоннадан зиёд эканини кўрсатмоқда. Албатта, бемисл ер ости бойликларига эга эканимиз мамлакатимиз истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир қувонарли жиҳат шундаки, охирги олти йилда мисни чуқур қайта ишлаш ҳажми муттасил ошиб бормоқда. 2018 йилда 22 минг тонна, 2023 йилда 82 минг тонна мис қайта ишланди. 2024 йилда бу ҳажм илк бор 100 минг тоннадан ошяпти. Давлатимиз раҳбари Олмаликдаги мазкур йирик лойиҳанинг ташаббускори сифатида ўтган йиллар мобайнида бир неча бор бу ерга ташриф буюрди. Президентимиз Олмалиқ кон-металлургия комбинатига жорий йилнинг 15 октябрдаги ташрифи давомида саноат тармоқлари учун "Муҳандисларни тайёрлаш мактаби" ҳамда "Ёшлик-I" конини ўзлаштириш ишлари билан танишди, мисни бойитиш бўйича янги қувватлар қурилишига старт берди ва бу эътиборли воқелик сифатида тарихга муҳрланди.

Бинобарин, бу табиий ресурслардан қанча оқилона фойдаланасак, иқтисодий имкониятларимиз ҳам шунча кенгаяди. Шу боис давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда кон саноатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кон-металлургия ва мис саноатини янада тараққий эттириш борасида йирик инвестициялар кенг жалб қилинаётгани ютуқларга омил бўлмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ташрифи, хусусан, бизнинг мисни бойитиш фабрикамиз фаолияти билан танишуви иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, моддий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилаётган эътиборнинг яққол ифодаси бўлди, — дейди 3-мисни бойитиш фабрикаси директори Эркин Ортиқбоев. — Президентимиз билан кечган учрашувда ўзимиз учун қатор вазифаларни белгилаб олдик. Янги фабрикамизда юқори самарадорликка эга, экологик хавфсиз ва тежамкор технологиялар қўлланилаётгани юқори баҳоланди. Шу жиҳатдан олганда, бугун бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Фабрика йилига 60 млн. тонна маъданни қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Бу орқали йилига 917 минг тонна мис ва 1,5 минг тонна молибден концентратлари олинади. Ишлаб чиқариш уч босқичли майдалаш ва икки босқичли ғалвирлаш жараёнлари орқали амалга оширилади.

Бугун дунёда "яшил" иқтисодиёт, электр техникаси, электромобиллар саноати жадал ривожланаётгани ҳисобига 2030 йилга бориб мис маҳсулотларига бўлган эҳтиёж 40 фоизга ортиши кутилмоқда. Бу эса бизнинг зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Шубҳасиз, мамлакатнинг ривожланиши, геосиёсий майдонда ўз сўзига эга бўлишида унинг иқтисодий қудрати муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида янги Ўзбекистон ривожланишнинг янги босқичига ўтишнинг устувор вазифалари давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифларида белгилаб берилмоқда.

Табиий ресурслар иқтисод қилинмоқда

"Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири бўлиб, унинг ишлаб чиқариш қуввати Тошкент, Жиззах, Наманган, Сурхондарё вилоятларида жойлашган мис, қўрғошин, рух, олтин ва кумуш конларида қазиб олинаётган хомашёни қайта ишлашга ихтисослаштирилган. 35 минг нафарга яқин кончи-металлургларни бирлаштирган мазкур комбинатда 40 дан ошиқ миллат ва элат вакилларининг аҳил меҳнат қилаётгани ҳам ютуқларга муҳим омил ҳисобланади. Зотан, она заминимиз бағридаги нодир, рангли ва қимматбаҳо металларни қазиб олишга ҳамда уларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган ушбу комбинат конларидан қазиб олинаётган маъданлар таркибида Менделеев даврий жадвалидаги элементларнинг деярли тўртдан бири мавжуд.

— Президентимизнинг ташриф давомида берган кўрсатма ва топшириқлари асосида заводимиз фаолиятини янада такомиллаштириш устида иш олиб боряпмиз, — дейди "Олмалиқ КМК" АЖ таркибидаги Оҳак заводи директори Абдуқаҳҳор Қўшақов. — Заводимизда карбонатли жинсларни горизонтал айланувчан печда куйдириш ҳисобига сўндирилмаган куйдирилган оҳак ишлаб чиқарилади. Корхонамиз таркибида карбонатли тоғ жинсларини қазиб олиш ишлари олиб бориладиган "Совуқбулоқсой" карьери, янчиш-саралаш бўлими, хомашёлар омбори, куйдириш бўлими ва тайёр маҳсулотлар омбори мавжуд. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи трансформатор подстанцияси, қозонхона, таъмир устахонаси, моддий-товар бойликлари омборхонаси, оловбардош материаллар омбори каби ёрдамчи хизматлар фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Айни кунларда янги иккинчи линия печини қуриш ишлари жадалликда олиб борилмоқда. Ушбу печь ишга туширилиши билан қўшимча равишда суткасига 240 тонна миқдорда оҳак ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Иккинчи линия печини оҳактош билан таъминлаш мақсадида "Совуқбулоқсой" карьери ҳудудини кенгайтириш ишлари режалаштирилган. Бу борада Президентимиз тавсияси асосида янги лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Барча ишлаб чиқариш ускуналарининг бир маромда ишлаши ва ўз вақтида режага мувофиқ таъмирланиши, табиий ресурсларни иқтисод қилиш ва иккинчи линия печини қуриш ишларида фаол қатнашаётган корхонанинг бош муҳандиси Зикрилла Холмирзаев ҳамда етакчи муҳандис-ходимлар — Собиржон Исоқов, Акром Раимқулов, Алимардон Умаралиев, Жўрабек Жиянов ва бошқаларнинг ўрни беқиёс.

Йилнинг ўтган тўққиз ойи натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, заводимиз жамоаси томонидан 94 980 кубометр миқдорида оҳактош қазиб олиниб, 65 160 тоннадан зиёд куйдирилган сўндирилмаган оҳак ишлаб чиқарилди ва истеъмолчиларга жўнатилди.

— Натижаларимиз бунданда салмоқли бўлиши учун янгича руҳ ва ғайрат билан меҳнат қиляпмиз, — дея давом этади Абдуқаҳҳор Қўшақов. — Комбинат эҳтиёжлари учун профессионал муҳандис-техник ходимларни қайта тайёрлаш мақсадида "Муҳандислик мактаби" барпо этилди. Мактабни лойиҳалаш Германиянинг "Aurubis" компаниясининг ўқув маркази намунасида амалга оширилди. "Муҳандислик мактаби"да геология, кончилик иши, кон саноати транспортлари, маркшейдерлик иши, фойдали қазилмаларни бойитиш, металлургия, механика, энергетика, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш йўналишларида фаолият олиб бораётган мутахассислар ўқитилади.

— Президент ташрифи биз учун тарихий кун бўлди, — дейди "Муҳандислар мактаби" директори Бекзод Салимов. — Давлатимиз раҳбари ўқув марказимизга келиб шарт-шароитларни кўрди, тингловчи ва ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Зиммамизга жуда катта вазифалар қўйди, ўз устимизда изланиш ва ўқув самарадорлигини ошириш муҳимлигини таъкидлади. Йирик корхоналар базасида худди шундай мактабларни ташкил этиб, мутахассислар малакасини ошириш муҳимлигини айтиб ўтди. Айниқса, рақамлаштириш тизимини жадаллаштириш лозимлигини ва бусиз тараққиёт йўқлигини алоҳида уқтирди.



> **"Комбинатда ишлаб чиқарилаётган олтин ва кумуш Лондон қимматбаҳо металлар биржасининг сифат белгисига, яъни "Яхши етказиб берувчи" мақомига эга. Мис ишлаб чиқариш жараёнида сифат тизими менежменти жорий этилиб, унга Халқаро мувофиқлик сертификати олинган.**

Узоқ муддатли модернизация дастури

Комбинатда Фрайберг техника университети кончилик академияси, "Aurubis AG" ва "GP Gьnter Papenburg AG" компанияларининг кадрларни тайёрлаш бўйича дуал таълимга мўлжалланган методологиялари асосида маҳаллий мутахассислар ва хорижий ҳамкорлар иштирокида ўқув дастурлари ишлаб чиқилган.

2024 йилда "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг узоқ муддатли кредит рейтинг кўрсаткичини "BB-" барқарор даражасида тасдиқлади. Бу эса бошқарувга замонавий корпоратив услублар жорий этилишига ҳамда тўғридан-тўғри йўналтирилган хорижий инвестицияларни комбинатни модернизация қилиш учун жалб этишга кенг имкон яратади.

Комбинатда ишлаб чиқарилаётган олтин ва кумуш Лондон қимматбаҳо металлар биржасининг сифат белгисига, яъни "Яхши етказиб берувчи" мақомига эга. Мис ишлаб чиқариш жараёнида сифат тизими менежменти жорий этилиб, унга Халқаро мувофиқлик сертификати олинган. Ушбу мувофиқлик сертификати комбинатнинг Жиззахдаги цемент ишлаб чиқариш жараёнига ҳам берилган.

Металлурглар, кончилар ва қимматбаҳо металл қазиб олиш соҳасининг етук олимлари иштирокида экспертлар гуруҳи ташкил этилган бўлиб, улар томонидан Олмалиқ кон-металлургия комбинатини узоқ муддатда модернизация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Унда қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга илғор хорижий тажрибани жорий қилиш кўзда тутилган.

Ҳисоб-китобларга кўра ушбу дастурни татбиқ этиш учун 502 млн. доллардан ортиқ маблағ йўналтирилади. Бу эса йилига мис ишлаб чиқариш ҳажмини 109 минг тоннадан 148,5 минг тоннагача, рух металлини ишлаб чиқаришни 78 минг тоннадан 120 минг тоннагача, олтингугурт кислотаси ишлаб чиқаришни 1,4 баробар — 618,3 минг тоннадан 873,9 минг тоннагача ошириш имконини беради. Олтин қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш аввалги йиллардагига нисбатан 1,2 марта, кумуш 1,64 марта ортади. Маҳсулотларни сотишдан олинадиган даромад 1,5 баробар кўпайиб, 12 триллион сўмга етади. Давлат бюджетига тушумлар ҳажми ҳам 1,4 баробар ошиб, 5 триллион сўмни ташкил қилади.

Ҳозирги пайтда "Рақамли ОКМК — 2030" стратегияси доирасида "Ёшлик-I" конини ўзлаштириш ва 3-мис бойитиш фабрикасини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, янги металлургия мажмуасини лойиҳалаштириш ва қуриш ишлари бошланмоқда. Бунда комбинат инвестиция портфелининг қиймати 15 млрд. долларни ташкил этади. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон тарихидаги энг йирик инвестиция лойиҳаларидан биридир. Унинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, Ўзбекистоннинг дунёдаги нуфузи ва обрўси янада юксалади.

Фахриддин БОЗОРОВ
("Халқ сўзи").



Умумтаълим мактабларида кузги таътил 4 ноябрдан бошланади.



Мушоҳада

ЙЎЛАКЛАР ТЎСИҚСИЗ БЎЛСА...

Бир неча кун аввал банкка, ундан сўнг тумандаги газ ва электр билан боғлиқ ташкилотларга, уйга қайтишда эса савдо марказига кириб айрим ишларни ҳал қилишга тўғри келди. Ишим тиғизлиги ва қаровчи йўқлиги учун ёш бола билан яёв отландим. Катта йўлга чиқмасданоқ, хато қилганимни англадим. Сабаби ортимда иккита машина пайдар-пай сигнал чалиб турарди. Болалар аравачаси билан машиналарни ўтказмай қўйибман. Атай қилмадим, албатта. Ахир пиёдалар йўлаги рисоладагидек бўлмаган жойда қаердан юришни ҳам билмай қоларкан одам. Боришда ҳам, келишда ҳам анча сарсон бўлдим... Шундай бўлишини билганимда ғиз этиб машинада бориб келар эканман.

“Нега бир қадам жойга ҳам машинада борасиз?” деган саволимга қўшни аёлнинг ҳомуза тортиб берган жавоби ўйлантириб қўйди. Ўзим-чи, бир неча бор ноқулайлик туғдиргани учун болалар аравачаси билан узоқроққа бормайман.

...Яқинда ойинаи жаҳон телеканалларининг бирида “Меҳрли қўллар” деган ҳинд фильми намойиш этилди. Фильмнинг мавзуси долзарб. Яъни ногиронлиги бор инсонлар учун яратилган шароитлар ҳақида. Унда образлар шу қадар самимий ва ишонарли тасвирланганки, беихтиёр қаҳрамонлар билан ёнма-ён яшай бошлайсиз, уларнинг дарду ташвишига, ўй-хаёлларига шерик бўласиз. Фильмда тадқиқот учун Америкадан Калькуттага келган ёш тадқиқотчи ногиронлик аравачасидаги йигитдан “Сен дунёда нимани истайсан?” деб сўрайди. “Ҳамма жойда пандуслар бўлса...”, деб жавоб беради йигит...

Дарҳақиқат, пандуслар нафақат болалар аравачаси учун, балки юриш имконияти чекланган инсонлар учун ҳам ниҳоятда зарур.

— Нишабли йўлаклар, яъни пандуслар зиналарга қараганда уч-тўрт баробар катта майдон эгаллайди. Бино зинапоясининг у ёки бу тарафида пандус бўлиши умумий қурилиш сарф-харажатларининг ортишига сабаб бўлади, — дейди Тошкент архитектура-қурилиш университети таянч докторанти Мадина Қўчқорова. — Шу боис айрим қурувчилар лойиҳалашда нишабли йўлакларни “унутиб” қўйишади. Шуни таъкидлаш керакки, шаҳарсозлик қоидаларида тураржойлар, савдо ва кўнгилочар марказлар, умумфойдаланувдаги иншоотларда имконияти чекланган шахслар, кексалар ва ёш болалилар учун пандусларни лойиҳалаш, қуриш ёки ўрнатиш белгилаб қўйилган. Пандуслар одамлар ҳаракатланишини осонлаштиргани боис бугунга қадар унинг бир неча тури ишлаб чиқилган. Стационар, кўтарма, йиғма пандуслар орасида хориж тажрибасидан кўринадики, энг оммалашгани йиғма пандуслар ҳисобланади.

> Аслида уларни бино ва иншоотларга ўрнатиш ёки янги объектларнинг қурилиш режасига киритиш ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо эмас. Ҳозир пандусларнинг бир неча турлари яратилган. Эҳтиёж бўлгандагина фойдаланиш учун оптимал бўлган, йиғиладиган ва кўтариладиган пандуслар зиналарда кўп жой эгалламайди. Катта маблағ ҳам талаб этмайди. Фақат жамиятда турли тоифадаги инсонлар яшашини, уларнинг ҳам бошқалар қатори ҳақ-ҳуқуқлари борлигини инобатга олиш, қисқача айтганда, уларни таъминлаб қўйиш учун синчков бўлиш кифоя.

— Пандусларни лойиҳалаш ва қуришда ўзига яраша талаблар мавжуд. Баъзан хусусий хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик ёки савдо шохобчаларида “хўжакўрсин”га қилинган пандусларга дуч келасиз. Нишаблик 10 — 12 фоиздан баланд пандуслар фойдаланиш учун ниҳоятда ноқулайлик туғдирса, кенглиги талаб даражасида қилинмаган, тор ва махсус жиҳозланмаган пандуслардан юрилганда хавф каррасига ортади. Мутахассис сифатида қурувчилардан талаб ва қоидаларга мувофиқ иш тутишларини сўраган бўлардим, — дея қўшимча қилди М. Қўчқорова.

Биргина пойтахтимиз кўчаларини ўрганиб чиқинг, жойларда қанчалаб аҳоли пандусларга эҳтиёж билан яшаётганини билиб оласиз. Бошланиши чиройли кўрингани билан охирига етмаган пиёдалар йўлаклари ёхуд улар узилиб, бирдан баланд зина чиқиб қолиши, текис ва кенгроқ йўлларда эса машиналар бостириб келиши... Булардан ўтиб олиш соғлом кишилар учун осондир. Бироқ шундоқ ҳам бир фалокатни бошламай деб юрак ютиб кўчага чиққан аравачадаги кишига жисмоний машаққат билан бирга хижолатомуз кайфият бағишлайди.

Мисол учун, бир аёлнинг болалар аравачаси ғилдираги жамоат транспорти ҳисобланган метродаги пандусларга тўғри келмади. Сал юргизгани ҳамон пандус деворларига тиқилиб қолаверди. Кейин йўловчиларга илтимос қилишига, уни кўтариб олиб чиқиб беришларига тўғри келди. Бошқа жойларда эса ўзи болани ҳам, аравачани ҳам кўтариб, йўлни давом эттиради.

Катта кўчаларда машиналарга халал бермаслик, янаям хавфсизликни ўйлаб йўлакларга ўзингизни урасиз. Ундаги ноқулайликлар эса чарчатиб юборади. Ҳатто баъзи давлат ташкилотларида ҳам пандус масаласи бадастир яратиб қўйилган эмас. Яхшики, айрим маҳаллаларда рисоладагидек тўсиқларсиз “Саломатлик йўлаклари” барпо этилаётганига гувоҳ бўлдик. Бордик, юриб кўрдик. Зўр! Қани энди, ҳамма йўлаклар шундай, тўсиқларсиз ва равон бўлса...

Наргиза ЮНУСОВА
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

ТАФСИЛОТЛАР

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси хитой тилида илк бор чоп этилди

Ўзбекистоннинг Пекиндаги элчихонаси ташаббуси билан Тараққиёт стратегияси маркази ҳамкорлигида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси хитой тилида илк бор рисола шаклида чоп этилди.



Хитой марказий миллатлар университети доценти Дилсора Мирзаахмедова томонидан таржима қилинган ушбу қўлланма Хитойнинг сиёсий, илмий-таҳлилий, ишбилармон доиралари ҳамда кенг жамоатчилигини “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида юртимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ва уларнинг мазмун-моҳияти билан таништиришга мўлжалланган.

Шунингдек, мазкур рисола элчихона томонидан ўтказилаётган давра суҳбатлари, учрашувлар, брифинглар ҳамда тақдимотларда кенг тарқатилиши кўзда тутилган.

Беларусда ўзбек шеърияти кечаси

“Дунё” ахборот агентлигининг хабар беришича, Ўзбекистоннинг Беларусдаги элчихонаси ташаббуси билан Гродно вилоятининг Я. Ф. Карский номидаги илмий кутубхонасида Ўзбек тили байрами кунига бағишлаб ўзбек шеърияти кечаси ўтказилди.



Унда Беларусь Ёзувчилар уюшмасининг Гродно вилояти бўлинмаси, ҳудудий ижроия қўмитасининг маданият бошқармаси вакиллари, фаол ватандошлар, шунингдек, ўзбек адабиёти ва шеърияти ихлосмандлари иштирок этди.

Тадбирда ўзбек адабиётининг йирик намояндалари Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф ижодига оид тақдимотлар ўтказилди. Улар ёзган ғазал ва шеърлардан намуналар тингланди.

Беларусда ўзбек тили ва адабиёти ихлосмандлари ўртасида она тилимизнинг халқаро нуфузи, мавқеи, жозибадорлиги ва имкониятларини кенг тарғиб қилиш мақсадида иштирокчиларга ўзбек халқининг маданият арбоблари, шоир ва ёзувчиларининг портретлари ҳамда ўзбек адабиётининг энг сара асарлари жамланган насрий ва шеърий китоблар тақдим этилди.

Янги қувватлар тежамкор ва самарали

“Толимаржон иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти томонидан умумий қуввати 1065 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмаси барпо этилмоқда.



Илғор технологиялар асосида қурилаётган ушбу янги қувватлар тўлиқ ишга туширилгач корхона йилига қўшимча қарийб 8 миллиард кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради.

Юқори тежамкор технологияларни қўллаш ҳисобига йилига 600 миллион куб метрга яқин табиий газ тежалишига эришилади. Корхонада юздан ошиқ иш ўринлари яратилади.

Айни пайтда лойиҳа қурилишида 2 минг 500 дан зиёд ишчи-ходимлар меҳнат қилмоқда. Уларнинг 368 нафари хорижий мутахассислардир.

«Жадидлар изидан»

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан “Жадидлар изидан” республика танловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Илк маротаба жорий йилнинг октябрь — декабрь ойларида бўлиб ўтадиган ушбу танловда иштирок этиш учун “jadidlarizidan.uz” платформаси орқали 364 906 та ариза келиб тушган.

Таъкидланганидек, танлов ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмаларини янада шакллантириш, уларни аждодларимизнинг бой маънавий меросини кенг тарғиб қилиш орқали китобхонликка жалб этишда муҳим ўрин тутади.



Данғара тумани рамзий маънода Фарғона водийси дарвозаси дейилади. Қамчиқ довонидан тушиб келаверишда туманнинг ўзига хос табиати, обод ва файзли қишлоқлари, катта йўл бўйлаб турнақатор тизилиб турадиган нон, савдо расталари ҳар қандай йўловчини ўзига тортади.

Мулоҳаза

Данғара тумани бепоён ўрмон хўжаликлари, асрлар мобайнида табиий ҳолда сақланиб келаётган табиат ёдгорликлари билан ҳам машҳур. Шу боис ҳудуддаги ҳар бир маскан ўз тарихига эга экани билан аҳамиятлидир.

Хоббобо зиёратгоҳини маҳаллий аҳоли “лайлакмозор” деб ҳам айтайди. Сабаби, қишин-ёзин ушбу қадрдон масканни лайлаклар тарк этмайди. Бу ерда юзлаб лайлаклар уя қуриб, кўпаяди, полапонларини учирма қилади. Кўллар, сойлар бўйида ўз ризқини териб юради.

— Лайлаклар жуфт-жуфт бўлиб яшайди, жуда ҳам оилапарвар, ўз туғилиб ўсган маконига садоқатли бўлади, — дейди экология фаоли Гулноза Тўхтасинова. — Қолаверса, лайлаклар юрт файзи ва баракаси, тинчлик рамзи сифатида ҳам эъзозланади. Кейинги йилларда юртимизнинг чўл-дашт ҳудудларида лайлакларнинг кўпайиб бораётгани қувонарлидир.

Эътиборлиси, лайлаклар, асосан, тўронғи дарахтига ин қуради. Бу дарахт инсон қўли билан экилмайди, у табиий ҳолда кўпайиб, кўкка бўй чўзади. Яшнаб турганида кессангиз серсувлиги боис юзингизга суви сачрайди, лекин кесилгандан кейин ҳатто мих ўтмайдиган даражада заранг бўлиб қотиб кетади.

Тўронғи баъзан қисқа муддат ифор таратиб, ажойиб гуллайди. Барглари қип-қизил рангга бурканиб тўкилади...

Данғара каби хушманзара ва файзли ҳудудларни бугун сайёҳлар интиладиган туристик манзилларга айлантириш мутасаддилар ва тадбиркорлар олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзимизнинг маҳсулот

ЛАЛМИ ТАРВУЗЛАРИ БИЛАН МАШҲУР ШЎРҚУДУҚ

Кўкдала туманининг Шўрқудуқ қишлоғи Самарқанд вилояти билан чегарадош ҳудудда, пастқам адирликлар бағрида жойлашган. Кейинги йилларда шўрқудуқлик деҳқонларнинг лалми тарвуз етиштириши, уни табиий усулда узоқ муддат сақлаш тажрибаси орқали қишлоқ номи кўпчиликнинг тилига тушмоқда.



Айни пайтда ҳудуд деҳқонлари лалмикор далалардаги тарвуз ҳосилини йиғиб, уни саранжомлаш билан банд. Шу қишлоқлик нафақадаги ўқитувчи Бобомурзо Яхшибоевни ҳам далада, иш устида учратдик. Узоқ йиллар давомида ҳудуддаги мактабда ўқувчиларга математика фанидан дарс берган муаллим бугун фарзандлари, невараларига бош бўлиб, уларга ҳосилни йиғиш ва аҳоли “табиий музлаткич” деб атайдиган ертўлаларга жойлаштиришга кўмаклашаётган экан.

— Қишлоғимизда лалми тарвуз етиштириш бир неча асрлардан буён давом этиб келмоқда, — дейди у. — Боболаримиз ҳам шу адирларга кетмонда ишлов бериб, тарвуз эккан. Бугун имконият катта. Техникалар ёрдамида бир хўжалик 10 — 15 гектаргача лалми тарвуз экиб, 40 — 50 мингта сара тарвуз олмоқда.

Деҳқонларнинг айтишича, лалми ерларда тупроқ унумдорлигини сақлаш учун алмашиб экиш тизимига қатъий риоя қилиш даркор. Масалан, фермер хўжаликлари бир йил экин экилган майдонни келгуси йил, албатта, дамга қолдиради. Етарли куч тўплаши учун ерни кеч куз ёки эрта баҳорда шудгорлаб, келгуси мавсумга тайёрлаб қўйиш лозим. Ана шу вақт оралиғида бу ерда лалми тарвуз етиштириш мумкин. Ушбу полиз экини ернинг кучини олмайди. Аксинча, тупроқ унумдорлигини оширади. Шу боис бу фаолиятдан фермер хўжаликлари ҳам манфаатдор.

Яна бир жиҳати, лалми тарвуз етиштириш катта сарф-харажат ва меҳнат талаб қилмайди. Масалан, лалми тарвузлар уруғи об-ҳаво шароитига қараб, май охирлари ёки июнь бошларида экилади. Экин униб кулоч ёзиб қолгач, бир маротаба таги юмшатиб чиқилади. Бор меҳнати шу. Сентябрь охири, октябрь бошларига бориб, ҳосилни йиғиб олаверасиз. Ҳар гектар ердан уч-тўрт минг донагача тарвуз олиш мумкин.

— Бу тарвузлар сувсиз, ўғитсиз етиштирилгани боис таъми ниҳоятда ширин, — дейди Бобомурзо Яхшибоев. — Ҳар йили икки-уч мингтагача сара тарвузни келгуси йилнинг апрель, май ойларига қадар сақлаб, ички бозорга етказиб берамиз.

Қишлоқ одамлари тарвуз сақлашда ертўлалардан фойдаланади. Ертўла деганимиз адирлик бағридан қўл кучи билан қазилган, эни 3, баландлиги 2-2,5, 40 — 50 метргача бўлган ғорсимон иморат. У ер сатҳидан 40 — 50 метр пастликда жойлашади. Шу боис ёзда совуқ, қишда илиқ бўлади. Қисқача айтганда, қўлбола табиий “совиткич”. Бу ерда узоқ сақлашга мўлжалланган ҳар қандай қишлоқ хўжалик маҳсулотини сақлаш мумкин.

Айни пайтда қишлоқдаги ертўлалар бирин-кетин ҳосилга тўлмоқда. Бу ерда сақланаётган тарвузлар қиш, баҳор ойларига бориб ички бозорга етказиб берилади. Ундан келадиган даромад кам бўлмаслигини ҳисобга олсак, ертўладаги тарвузлар тез орада ҳақиқий хазинага айланиши муқаррар.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

«Қалқама» сув омбори тадбиркорга ижарага берилди

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида жойлашган “Қалқама” сув омбори “E-auksion” платформаси орқали бўлиб ўтган онлайн электрон савдосида ғолиб деб топилган “Gissar effect” масъулияти чекланган жамиятига 10 йил муддатга ижарага берилди.

Имконият

Бу борада “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда МЧЖ ўртасида уч томонлама шартнома имзоланди. Сув ҳавзаси қонунчиликда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганида яна 10 йил муддатга узайтириш ҳуқуқи билан ижарага берилган.

Шартномага кўра тадбиркорга сув ҳавзасини йилда икки маротаба балиқлантириш, белгиланган миқдорда балиқ овлаш ҳамда инвестиция киритиш мажбуриятлари юклатилди.

Маълумот ўрнида, “Қалқама” сув омборининг умумий майдони 150 гектарни ташкил этади.

«Халқ сўзи».



Ўзбекистонда доимий аҳоли сони ҳар куни ўртача 2 минг кишига ошмоқда.

Халқ сўзи
2024 йил 30 октябрь

ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР — МУСТАҲКАМ КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

Янги Ўзбекистон ислоҳотлари — мамлакатимизнинг барча соҳасини замонавийлаштиришга, аҳоли турмуш даражасини оширишга, жамиятда тотувлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ўзгаришлар жараёнини ўз ичига олмоқда. Бу эса хорижлик экспертлар томонидан ҳам катта қизиқиш ва ижобий баҳоларга сазовор бўляпти. Улар бу ислоҳотларни мамлакатнинг келажаги учун муҳим қадам, деб билишмоқда.

Нуқтаи назар

Ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги дадил одимлар ҳам уларнинг диққат марказидаги масалалардандир. Мамлакат иқтисодиёти тобора юксалаётгани ва жамият учун барқарор муҳит яратилаётгани замирида қонун устуворлигини таъминлаш, шаффофлик ва ҳисобдорликни кучайтириш борасидаги амалий ҳаракатлар мужассамлиги айтилмоқда.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни кенгайтиришдаги саъй-ҳаракатларида инвестицияларни жалб қилиш, технологияларни ўзлаштириш, кадрлар салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратаётгани таъкидланяпти.

Дарҳақиқат, таълим муассасаларини замонавийлаштириш, малакали мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш юрт тараққиёти учун муҳим омил. Шу боис янги Ўзбекистон ислоҳотларида ёшлар манфаати асосий ўрин тутмоқда, бу билан эса мамлакат келажагига мустаҳкам пойдевор яратилмоқда.

Ёшлар — янги фикрлар ва ғоялар манбаи. Улар янги технологияларни тез ўзлаштиради, ижодий фикрлайди, муаммоларни янгича ечимлар билан ҳал қилишга тайёр.

Навқирон авлодни жамиятнинг фаол аъзолари, деймиз. Бу бежиз эмас. Чунки улар жамиятда ўзгаришларни бошлашга, янги лойиҳалар ижросига ҳамиша тайёр куч саналади. Қолаверса, ёш авлод жамият ривожида фаол иштирок этишга ҳамма вақт интилади. Келажагимиз эгалари бугун таълим олиб, малака оширмоқда. Улар эртага юртимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшадиган етакчилар бўлишади. Шу боис янги Ўзбекистонда ёшларга ўз имкониятларини ривожлантириш учун барча шароитни яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва истеъдодларини намоён қилиши учун ёрдам беришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.



Таълимдаги ислоҳотлар ва янги имкониятлар

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракатлари натижасида таълим тизимида йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларга сўнгги етти йилда босқичма-босқич ечим топилмоқда. Хусусан, жамиятимизда педагог мақомининг нуфузи ва обрўси юксалиб боряпти. Ўқитувчи-педагоглар ва болалар мажбурий меҳнатига барҳам берилди. Ўқитувчи-мураббийлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизими такомиллаштирилиб, уларнинг ойлик маошлари сезиларли даражада ошди. Мазкур ўзгариш ва шароитлар натижаси ўлароқ умумтаълим мактабларига эркак ўқитувчилар қайтди, ёш тадқиқотчиларнинг олий ўқув юртларида фаолият олиб боришга қизиқишлари ижобий томонга кескин ўзгарди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз, хусусан, ёшлар ҳаётида, таълим-тарбия соҳасида сезиларли ўзгаришларни қила олди, десак, айни ҳақиқат. Рақамлар ҳам ҳақиқатни кўрсатиб турибди. Президентимиз Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтида соҳа вакиллари билан таълимда амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказган мулоқотида бу борада эришилган юксак марралар ҳаққоний рақамларда яна бир карра ўз тасдиғини топди. Эътибор беринг, охирги етти йилда мактабгача таълим бўйича қамров даражаси 27 фоиздан 76,4 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 42 фоизга етказилгани, ҳеч шубҳасиз, соҳада эришилган энг муҳим ютуғимиздир. Ўқитувчиларга маҳорати ва эришган ютуқларига қараб тўланадиган устамалар сони 3 тадан 17 тага ошди. Ўз устида астойдил ишлаган, хорижий сертификат олган 6 минг нафар ўқитувчи 10 миллион сўмдан зиёд маош олмоқда. Олий ўқув юртларида илмий даража, илмий унвонли, илмий лойиҳаларда иштирок этувчи профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши эса 20 миллион сўмдан юқори бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланганини алоҳида таъкидлади. Юртбошимизнинг эътирофича, таълим ва маърифатни рағбатлантириш ишига ҳисса қўшаётган инсонлар сиймосида биз жадид боболаримизнинг муносиб давомчиларини, уларнинг ушалаётган орзу ва интилишларини, учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини кўрамиз.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, Президент мулоқоти хушхабарларга ҳам бой бўлди. Галдаги режалар, аниқ мақсадлар халқимизнинг порлоқ келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Очиқ мулоқот давомида Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтининг 12 та ҳудудий марказини замонавий қиёфага келтириш ва жиҳозлаш вазифалари белгиландики, бу ходимлар салоҳиятини янада оширишга туртки бўлади.

Алоҳида қайд этиш жоизки, ўтган вақт мобайнида таълим-тарбия соҳасига берилаётган улкан эътибор туфайли илмга чанқоқ, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланаётган, билим, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида юксак марраларни қўлга киритаётган йигит-қизларимиз сафи кун сайин ортмоқда.

Айниқса, олий ва ўрта махсус таълим соҳасидаги ислоҳотлар ёшларга янги имкониятлар эшикларини очяпти. Таълим тизимининг замонавийлаштирилиши, хорижий тилларни ўрганиш имкониятларининг кенгайиши, илмий тадқиқот ишларига қизиқишни ошириш, ёшларни касб-ҳунарларга ўргатиш учун янги марказлар ташкил этилиши янада кўпроқ ёшларнинг илм ва кадрлар бозорига киришига ёрдам бермоқда.

Бугунги кунда ёшлар учун таълим олиш имкониятлари аввалгига қараганда анча кенгайди. Яқин ўтмишни бир эслайлик. Янги ўқув йили бошланиши билан юқори синф ўқувчилари, талабалар пахта далаларига олиб чиқиларди. Алоҳида дастур асосидаги таълим режаси бузилар эди. Унга етиб олиш учун бир машғулотда уч-тўртталаб мавзу ўтилишига мажбур бўлинарди. Бундай тартибда ўтиладиган мавзуларни жисмоний толиққан ўқувчи-талабалар ўзлаштира олмаслиги аниқ. Таълим сифатининг бузилиши кадрлар бозорига жиддий салбий таъсир ўтказди. Бунинг асоратлари эса ҳанузгача турли соҳалардаги оқсоқликларда намоён бўлмоқда...

Бугун замонавий таълим муҳити яратилди. Мамлакатда мутлақо янги узлуксиз таълим тизими мазмун ва технологиялар билан шаклланди. Аввало, таълим муассасалари замон талабларига мос равишда жиҳозланди. Ўқув дастурлари янгиланди, машғулотларда сўнгги таълим технологиялари кенг қўлланилмоқда. Бу ёшларга замонавий билим ва малакаларни эгаллаш имконини беряпти. Таълим мазмунига жиддий эътибор қаратилаётир.

Кейинги йилларда биргина олий таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида олийгоҳлар сони 200 тадан ортди, талабалар сони эса 1,33 миллион нафаргача оширилди.

> *Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланганини алоҳида таъкидлади. Юртбошимизнинг эътирофича, таълим ва маърифатни рағбатлантириш ишига ҳисса қўшаётган инсонлар сиймосида биз жадид боболаримизнинг муносиб давомчиларини, уларнинг ушалаётган орзу ва интилишларини, учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини кўрамиз.*

Шу даврларда олий таълим тизимидаги профессор-ўқитувчилар сони 1,64 баробар кўпайганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Яна бир эътиборли жиҳат, 2023/2024 ўқув йилида олий таълим муассасаларида ўқиётган хорижлик талабалар сони 11,2 минг кишини ташкил этмоқда.

Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида қатор чора-тадбирлар ва вазифалар ҳам белгиланган. Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш, умумий ўрта таълим ташкилотларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш, олий ўқув муассасаларида илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва илмий салоҳиятни 70 фоизга етказиш шулар жумласидан.

Мамлакатимизда ёшларнинг хорижий тилларни ўрганиш имкониятлари ҳам кенгайтирилмоқда, чет тилларда таълим олиш шароитлари яхшиланмоқда. Зеро, бу ислоҳотлар ёшларга глобал бозорда рақобатбардош бўлишга ёрдам беради.

Яна бир жиҳат, замонавий рақамлаштириш ва ўқув технологияларига асосланган таълим мезонлари кенгаймоқдаки, бунда ёшлар ўзлари учун қулай вақтда ва жойда ўқиш имконига эга бўлмоқда.

Янгича шароит ва мезонлар, ўз навбатида, ёшлар учун катта масъулиятни ҳам юклайди. Улар бу қулайликлардан оқилона фойдаланиб, ўз келажаги учун мустаҳкам поғона қуришлари керак. Зотан, замонавий таълим олиш, малака орттириш, ижодий фикрлаш ва жамият ривожига ўз ҳиссаларини қўшиш ёшларнинг қўлида.

Ўзгаришлар фаол ёшлар сафини кенгайтирди

Таълимдаги ислоҳотлар ёшларга замонавий билим ва малакаларни эгаллаш, ўз камолоти учун зарур шароитлар яратган бўлса, ишга жойлашиш учун эса янги имкониятлар тақдим этди, кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнгги 7 йилда юртимизда ёшлар учун ижтимоий ҳимоя тизими борасидаги қонунчиликда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Булар янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшлар сиёсати доирасидаги ислоҳотларнинг бир қисми бўлиб, йигит-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётда мустақил турмуш кечиришлари учун шарт-шароитлар яратишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Бинобарин, янги таҳрирдаги Конституциямиз ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликларини кафолатлайди, уларнинг таълим олиш, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлайди.

Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификациядан ўтказилган.

Айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмлари татбиқ этилди. Ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, улардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий қилинди. Бу эса ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси — "ёшлар дафтари" жорий этилгани навқирон авлоднинг ижтимоий ҳаётида яна бир муҳим қадам ҳисобланади. "Ёшлар дафтари"га киритилган ишсизлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига таълим олиш, ишга жойлашиш, касб-ҳунар ўрганиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, саломатлигини тиклаш каби қатор масалалар бўйича кенг имтиёз ва имкониятлар берилди.

Ўзбекистонда Президент ташаббуслари ёшларнинг ижодкорлигини ривожлантиришга ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Улар иштирокида турли танловлар, фестиваллар, форумлар ўтказилаётгани йигит-қизларнинг истеъдодларини намоён этишига имкон беribгина қолмай, янги-янги иқтидорларни камолга етказишда муҳим омил бўлаётир.

Ўтган вақт мобайнида спорт соҳасида ёшларнинг қобилиятларини ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Бу эса ўз натижаларини бермоқда. Шу йил Парижда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари жами 208 та давлат вакиллари қатнашган мусобақада юксак матонат, маҳорат ва ирода кўрсатиб, дунёда 13-ўрин, Осиёда 4-ўрин, туркий, мусулмон ва МДҲ давлатлари орасида 1-ўринни эгаллади. Бирйўла 3 нафар спортчимиз "икки карра Олимпия чемпиони", деган юксак шарафли номга сазовор бўлди. Шулардан бири Ўзбекистон Миллий университети талабасидир. Бу мамлакатимиз спорти тарихида энг юқори натижалар бўлди. Янги Ўзбекистон ёшлари нимага қодир эканини бутун дунёга кўрсатиб, уларнинг ютуғи тарихимизда зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди.

Албатта, бу ўзгаришлар ёшларнинг ижтимоий ҳаётда янада фаол иштирок этишига, ўз фикрларини мустақил билдиришига, жамият ривожига муносиб ҳиссаларини қўшишига имкон беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз энг ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаш йўлида дадил одимлаётган шу кунларда ҳали бу борада қилинадиган ишлар кўп. Шу нуқтаи назардан, ёшлар учун янада кенг имкониятлар яратиш, уларнинг ижтимоий ҳаётидаги муаммоларини ҳал қилиш саъй-ҳаракатлари жадал давом эттирилмоқда.

Эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси

Юртимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди. Ушбу жараёнда ёшларнинг фаол иштирок этгани уларнинг эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётганидан далолат.

Айтиш керакки, кейинги йилларда ёшларнинг сиёсий онги юксалиб бораётганини бир неча омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, оммавий ахборот воситаларининг эркин, тўсиқсиз фаолиятига бўлган эътибор кучайди. Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши ёшларга дунёдаги сиёсий жараёнлар, турли мафкуралар ва сиёсий тизимлар ҳақида эркин маълумот олиш имконини бермоқда. Уларда ушбу жараёнларни таққослаш ва таҳлил қилиш шароитларини яратяпти. Қолаверса, сиёсий муҳокамалар, дебатлар ва очиқ мунозаралар кўпайиб, ёшлар сиёсий масалаларни муҳокама қилиш, ўз фикрларини билдириш ва турли қарашларни эшитиш имконига эга бўлишди. Ҳукумат томонидан ёшларга бўлган эътибор ортди. Эртамиз эгаларининг сиёсий онгини шакллантириш, уларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишини рағбатлантириш учун чоралар кўрилмоқда. Зеро, ёшлар — бу келажагимиз, уларнинг сиёсий онгини шакллантириш эса ўта муҳим масала.

Шу ўринда сайловларда ёшларнинг фаол қатнашгани қанчалик муҳим аҳамиятга эга, деган савол туғилиши табиий.

Аввало, бу мамлакатимизда демократик жараёнлар мустаҳкамланиб, жамиятда сиёсий маданият юксалиб бораётганини кўрсатади. Қолаверса, сайловларда иштирок этиш ёшларга сиёсий жараёнларни яқиндан кузатиш, ўз фикрларини билдириш, сиёсий партияларнинг дастурлари билан танишиш имконини берди. Қолаверса, уларнинг жамиятдаги ўзгаришларга таъсир ўтказиш кучини оширди. Айниқса, бу келажакка инвестиция ҳамдир. Яъни ёшларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштироки уларнинг келажакда жамият ҳаётида муҳим роль ўйнашларига имкон яратади.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай, баъзан гувоҳ бўламиз, айрим ёшлар сиёсий жараёнларни тўлиқ тушунмайди ёки улар сиёсий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида етарлича маълумотга эга эмас. Баъзиларининг эса сиёсий партияларга қўшилиш, сиёсий фаолиятда иштирок этишга бўлган қизиқиши паст. Шу боис сиёсий партияларнинг сайловдан сайловгача бўлган даврдаги тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини янада ошириб бориш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, ёшларни сиёсий жараёнлар ҳақида маълумот билан етарлича таъминлаш, уларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, сиёсий жараёнлардаги шаффофликни ошириш, ёшларнинг сиёсий партияларга қўшилишдан манфаатдорлигини орттириш, уларни сиёсий фаолиятда иштирок этишга рағбатлантиришимиз керак.

Бир нарса айни ҳақиқатки, ёшларнинг парламент сайловларида фаол иштироки мамлакатимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг сиёсий онгини шакллантириш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари учун имконият яратиш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Янги Ўзбекистондаги барча ислоҳотлар аҳоли манфаатларига қаратилгани билан ҳам аҳамиятли. Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган сиёсатнинг асосий мақсади — бу жамиятдаги ҳар бир инсоннинг ҳаётини яхшилаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш. Ислоҳотлар самарасини эса одамлар ўз ҳаётида кўриб турибди. Чунончи, иш ўринлари кўпайди, ёшлар учун иш топиш имконият ва шароитлари кенгайди, одамларнинг даромадлари ошди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланди, коррупцияга қарши кураш кучайди. Миллий онг ва маданият юксалди, ёшларда ватанпарварлик руҳи шаклланмоқда. Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида янги технологиялар жорий этиляпти, хизматлар сифати яхшиланмоқда. Зеро, ҳаётий ташаббуслар рўёби, ислоҳотлар самараси — бу мустаҳкам келажакка қўйилган тамал тошидир.

Ином МАЖИДОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.



ФУТБОЛ

АББОСБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВ — ҚИТЪАМИЗДА ТЕНГСИЗ

Кеча Корея Республикасининг Сеул шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси томонидан қитъа футболининг энг яхшиларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда ўтган йилги йирик мусобақалар, хусусан, "Осиё кубоги — 2023" ва футзал бўйича Осиё чемпионати каби турнирлар давомида ўз маҳоратини намойиш қилган футболчи, мураббий ва расмийлар тақдирланди.

Шунингдек, йилнинг энг яхши футболчиси ҳамда энг яхши аёл футболчи мукофотларидан ташқари мураббийлар, аъзо ассоциациялар ва минтақавий ассоциацияларнинг ютуқлари эътироф этилиб, жами 21 нафар ғолиб тақдирланиши белгиланган.

Ўзбекистонлик футбол ишқибозлари учун кувонарлиси, терма жамоамиз аъзоси, 21 ёшли Аббосбек Файзуллаев қитъамизнинг энг яхши ёш футболчиси, деб тан олинди. Аббос айни пайтда Москванинг "ЦСКА" жамоасида легионер мақомида муваффақиятли тўп суриб келмоқда. Мазкур соврин учун Аббосбек Файзуллаевдан ташқари Гаку Навата (Япония) ва Бае Жун Хо (Жанубий Корея) номзодлар қаторида кўрсатилган эди.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР

Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

Жойлашган жойи: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

Электрон почта манзиллари: info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz.

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2024 йил 14 ноябрь, соат 11:00. Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2024 йил 8 ноябрь.

Кун тартибига киритилган масалалар:

"Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш;

жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

"Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида"ги ва "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги Низомлари янги таҳририни тасдиқлаш;

"Кузатув кенгаши аъзоларининг мукофотлаш тартиби" тўғрисидаги Низомига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш;

жамият уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш;

жамият устав капиталини ошириш;

қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;

"Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамиятининг 2024 йил 31 декабрь ҳолатига МҲХСга мувофиқ тайёрланган жамлама молиявий ҳисоботини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш ва у билан шартнома тузишни тасдиқлаш.

Грецияда ўтказилаётган Жиу-житсу бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси таркибидаги қорақалпоғистонлик спортчилар — Тимур Базарбаев ва Айбек Прекеев олтин медални қўлга киритди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6